



## ЎЗБЕКИСТОНДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*PhD Шарипов Ихтиёр Бахтиёрович*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон аҳолисининг сабзавотлар истеъмоли ва унинг ривожланиш даражаси ўрганилган. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сабзавот истеъмол қилиш даражаси аниқланган. Инерцион ва модернизацион кейнарийлар асосида аҳолини қунлик сабзавотлар истеъмоли хажмининг ўзгариши прогноз қилинган.

**Калит сўзлар:** сабзавотлар, талаб, органик маҳсулотлар, прогноз моделлар, инерцион кейнарий ва модернизацион кейнари, чакана савдо.

## РЫНОК И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ОВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

*PhD Шарипов Ихтиёр Бахтиёрович*  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье рассматривается потребление овощей населением Узбекистана и уровень его развития. Определено потребление овощей на душу населения в Узбекистане. На основе инерционного и модернизационного сценариев прогнозируется изменение объемов ежедневного потребления овощей населением.

**Ключевые слова:** овощи, спрос, органическая продукция, модели прогнозирования, инерционный сценарий и сценарий модернизации, розничная торговля.

## MARKET AND DEVELOPMENT TRENDS OF VEGETABLE PRODUCTS IN UZBEKISTAN

*PhD Sharipov Ikhtiyor Bakhtiyorovich*  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article examines the consumption of vegetables by the population of Uzbekistan and the level of its development. Per capita consumption of vegetables in Uzbekistan has been determined. Based on the inertial and modernization scenarios, the change in the volume of daily consumption of vegetables by the population is forecasted.

**Key words:** vegetables, demand, organic products, forecast models, inertia scenario and modernization scenario, retail trade.

### Кириш.

Жаҳон мамлакатларида органик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ошириш ва сабзавотлар чакана савдоси ва мижозларнинг сабзавотлар танлашига асосий омиллар сифатида, саломатлик, барқарорлик, табиийлик ва қулайлик тенденциялари муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. Жаҳон янги сабзавот бозори ҳажми 2021 йилда 632,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилдан 2028 йилгача йиллик ўсиш суръати (compound annual growth rate (CAGR)) 2,8% фоизга кенгайиши прогноз қилинмоқда. Мазкур тенденцияда органик сабзавотлар савдоси истеъмоли ривожланган мамлакатларда 95 фоизни ва ривожланаётган мамлакатларда 75 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда соғлиқ муаммоларининг кучайиши ва одамлар ўртасида янги ва органик сабзавотлар истеъмолини ошириш бозорнинг асосий ҳаракатлантирувчи омили сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармонида «озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш»га (Фармон, 2019) устувор аҳамият қаратилган. Шунингдек, ички истеъмол бозорида сабзавотлар нархларини барқарор сақлаш, истеъмолчиларга тизимли етказиб бериш, нархлар кескин ошиб боришини назорат қилиш ва унда самарали бозор механизмларидан фойдаланиш, аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, кутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришларини баҳолаш ҳамда юзага келувчи хатарларни баҳолаб бориш тизимини янада такомиллаштириш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш тақозо этилмоқда.

Жаҳон озиқ-овқат ва озиқ-овқат чакана бозорининг ҳажми 2021 йилда 11 324,4 миллиард долларни ташкил этди ва 2022 йилдан 2030 йилгача йиллик ўсиш суръати 3,0 фоизга ўсиши кутилиши прогноз қилинган<sup>118</sup>. Ўсиш биринчи навбатда COVID-19 пандемиясини карантин чекловлари билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига кўпроқ харажатлар, онлайн озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳажми ва истеъмолчиларнинг ўзгарувчи истеъмолига боғлиқдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар бир кишининг мева-сабзавотлар кунлик истеъмоли тахминан 400 грамни ташкил қилиши меъёр қилиб белгиланган<sup>119</sup>. Бироқ, 2014 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2004-2014 йилларда Ғарбий мамлакатларда мева-сабзавотларнинг умумий кунлик истеъмоли 10фоиздан кўпроқ камайгани эълон қилинган (Freshfel, 2014).

Нотўғри овқатланиш нафақат инсоннинг соғлиғи ва фаровонлигига таъсир қиладиган, балки оилалар, жамоалар ва давлатлар зиммасига оғир юкларни келтириб чиқарадиган бир қатор шаклларда бўлади. Очликни тугатиш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш ва овқатланишни яхшилаш барқарор ривожланиш йўлидаги асосий қадамлардир<sup>120</sup>.

Мева ва сабзавотларнинг соғлиқ учун фойдасини аҳоли тушуниб етсада уларни истеъмол қилиш катталар орасида тавсия этилган миқдордан нафақат Ўзбестонда, балки кўплаб мамлакатларда пастдир.

<sup>118</sup> <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/food-grocery-retail-market>

<sup>119</sup> World Health Organization, 2008. WHO European Action Plan for Food and Nutrition 2007/2012. [http://www.euro.who.int/\\_data/assets/pdf\\_file/0017/74402/E91153.pdf](http://www.euro.who.int/_data/assets/pdf_file/0017/74402/E91153.pdf).

<sup>120</sup> World Health Organization. Regional Office for the Eastern Mediterranean. (2020). World Health Organization annual report 2019 WHO Country Office Lebanon: health for all. World Health Organization. Regional Office for the Eastern Mediterranean. <https://apps.who.int/iris/handle/10665/333249>. License: CC BY-NC-SA 3.0 IGO

Шу сабабли, озиқ-овқат билан боғлиқ соғлиқ муаммолари глобал миқёсда кескин ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, соғлиқни сақлаш ва мева ва сабзавотларни истеъмол қилишни оширишга қаратилган расмий овқатланиш бўйича маркетинг тадбирларига устувор аҳамият берилиши жуда муҳимдир.

Мева ва сабзавотларни етарли даражада истеъмол қилиш кўплаб юқумли бўлмаган касалликлар хавфини камайтириб, эпидемиологик хавфларни олдини олади. Резаворлар, узум ва анор каби антосиянинлар, флавоноллар ва просиянидинларнинг юқори миқдорини ўз ичига олган мевалар юрак-қон томир хавфини камайтиришда самарали, цитрус мевалари ва олма эса қон босими ва қон липидлари даражасига ўртача таъсир кўрсатади.

Мева-сабзавотлар таркибидаги фитокимёвий моддалар семизликка қарши восита сифатида ишлатилади, чунки улар ёғ тўқималарининг ўсишини бостиришда роль ўйнаши мумкин.

2017 йилда дунё бўйлаб 3,9 миллионга яқин ўлим мева ва сабзавотларни етарли даражада истеъмол қилмаслик билан боғлиқлиги бўйича ЖССТ томонидан эътироф этилган. Мева ва сабзавотларни етарли даражада истеъмол қилмаслик бутун дунё бўйлаб ошқозон-ичак саратонидан ўлимнинг тахминан 14 фоизини, юрак ишемик касаллиги туфайли ўлимнинг тахминан 11 фоизини ва инсулт туфайли келиб чиққанларнинг тахминан 9 фоизини келтириб чиқаради<sup>121</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси 2021 йилни Халқаро мева-сабзавот йили деб эълон қилишда, мева ва сабзавотларнинг озуқавий ва соғлиқ учун фойдалари ҳамда уларнинг мувозанатли ва соғлом турмуш тарзига қўшган ҳиссаси ҳақида хабардорликни оширишга қаратилган. Шунингдек, у мева-сабзавот секторидagi йўқотишлар ва чиқиндиларни камайтириш зарурлигига эътиборни қаратишга умид қилади, шу билан бирга атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатади. Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни кўпайтириш ҳамда уларни истеъмолчиларга иқтисодий жиҳатдан қулайроқ қилиш, шу билан бирга иқтисодий, ижтимоий ва экологик манфаатлар яратиш бўйича мамлакат даражасида чора-тадбирлар кўриш зарур.

### Адабиётлар шарҳи.

Сабзавот маҳсулотлари бозорининг ривожланиши бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўзларининг тадқиқотларида фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Улар мева-сабзавот маҳсулотлари бозор тенденцияларининг келиб чиқиш сабаблари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Грунерт (2017) томонидан олиб борилган сўнгги тадқиқотларда сабзавотлар чакана савдоси ва мижозларнинг сабзавотлар танлашига асосий омиллар сифатида саломатлик, барқарорлик, ҳақиқийлик ва қулайлик тенденцияларини муҳим омиллар сифатида ўрганилмоқда. Шунга кўра, сабзавотлар чакана савдонинг аниқ тоифалари учун бозор ривожланиши ва келажакдаги амалиётни тушуниш учун тизимли тадқиқотлар зарур.

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича Ислам (2020), ўзининг “Сабзавот маркетинги тизимида нархларнинг ўзгариши табиати ва сабаблари” номли мақоласида: “турли маркетинг каналлари орқали фермерлардан турли савдогарларгача бўлган сабзавот нархининг ўзгариш динамикасини тадқиқ этган.

Солдатенко (2019) ҳам ўз тадқиқотларида “сабзавот маҳсулотлари бозорининг таҳлили, шунингдек, сабзавотчилик ривожланишигасалбий таъсир этувчи омилларни

<sup>121</sup> <https://www.fao.org/3/cb2395en/online/src/html/fruit-and-vegetables.html>

аниқлаган. Хахаеванинг (2020) тадқиқот ишида мева ва сабзавот маҳсулотларини самарали маркетинг тизими масалалари тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизнинг етук олимлари ҳам мева ва сабзавот маҳсулотлари бозори бўйича ўзларининг қарашларини тадқиқотларда баён қилганлар. Хусусан, Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мева-сабзавотчилик ва узумчилик фаолияти бозорини ташкил этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини Усмонованинг (2021) илмий ишларида ўрганилган. Муҳитдинованинг (2018) тадқиқот ишида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг ривожланиши, маркетинг тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт имкониятларини баҳолашнинг индекс усули жаҳон савдосида рақобатда нисбий устунликни таққословчи Balassa индекси мезонлари, мева-сабзавот маҳсулотлари халқаро бозорида янги салоҳиятли харидорларни жалб этишга қаратилган маркетинг стратегияси самарали силжитиш ва интеграциялашган маркетинг коммуникацияси дастуридан фойдаланиш масалаларининг назарий-услубий асослари Мамаджановнанинг (2018) илмий ишларида ўрганилган. Собиров (2022) мева ва сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг ва уни ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Сабзавотлар чакана савдосининг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш асосида истеъмол даражасини ўзгаришларига инерцион ва модернизацион йўналишларда баҳо бериш имконияти мавжуд. Шунга кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига сабзавотлар чакана савдо айланмасини, аҳоли сонини ошиши ва сабзавотлар етишритиш хажмлари бўйича прогноз моделарини ишлаб чиқиш орқали истиқболдаги ўзгаришларга баҳо берилади. Прогноз моделлари учун 2010-2021 йиллик статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Прогноз моделларини аниқлаш учун SPSS Statistical пакет дастурининг чизиқли моделлаштириш бўйича модулларидан фойдаланилади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Сабзавотлар истеъмоли мамлакатларнинг ривожланиш даражаси билан ижобий боғлиқ эмас, чунки Дания, Германия, Буюк Британия ва Франция каби ривожланган мамлакатларга нисбатан Гана ва Эфиопия каби ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ истеъмол қилиш мумкин. АҚШда ўртача овқат ҳазм қилиш ва тана вазни кунига мос равишда 189,30 г. ва 255 г. ни ташкил қилади. Гонконгда кунига 146,81 г. дан 176,96 граммгача мева-сабзавотлар истеъмол қилинади, бу эса кунига 324 г.ни ташкил қилади. Германияда катталар орасида мос равишда 209 г./ кун ва 228,6 г./ кун мева-сабзавотлар истеъмоли қайд этилган. Сўнгги ўн йилликда ЖССТ тенденциялари нисбатан текис бўлганлиги ва Соғлом одамлар 2020 йилда мақсадларига эриша олмагани таъкидланган.

Мазкур кўрсаткичларни бошқа мамлакатлар билан таққосламаси 1-жадвалда акс этган.

Ўзбекистон республикасида сабзавотлар чакана савдоси бўйича умумий статистик маълумотларга кўра 2022 йилда аҳоли кунига 119,7 грам сабзавотлар истеъмол қилган.

Прогноз моделлари асосида сабзавотлар истеъмолини кўпайтиришга қаратилган стратегик йўналишлар белгилаш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар истеъмоли бўйича 2-жадвал маълумотлари асосида икки йўналишда SPSS Statistical пакет дастуридан фойдаланилган ҳолда прогноз параметрларини ҳисоблаймиз.

## 1-жадвал

Жахон мамлакатларида сабзавотларнинг кунлик истеъмоли бўйича таққослама маълумот<sup>122</sup>

Мамлакатлар номи	Сабзавотлар кунлик истеъмоли, грам/кун
Хитой	176.96
Дания	162.08
Германия	118.02
АҚШ	255.00
Италия	155,0
Малазия	133,0
Хиндистон	105.7
Гана	36,6
Эфиопия	51,2
Ўзбекистон*	119,7

Инерцион цейнарий бўйича ривожланиш ҳар бир прогноз параметрларини бошқа омиллар таъсирисиз даврий ривожланишига кўра аниқланади. Мазкур прогноз моделларини аниқлаш учун SPSS Statistical пакет дастурида ҳар бир танланган параметрларни энг мақсадга мувофиқ чизиқли тренд моделларига кўра прогнозларини амалга оширилади. 3-жадвалда аҳоли сонини 2026 йилгача бўлган ўсиш кўрсаткичларининг чизиқли тренд моделлари келтирилган.

## 2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар истеъмоли<sup>123</sup>

Йиллар	Доимий аҳоли сони, минг киши	Сабзавотлар ички бозорда чакана савдоси, минг тонна	Аҳоли жон бошига етиштирилган сабзавотлар, кг.	Аҳоли жон бошига сабзавотлар чакана савдоси, кг	Аҳолининг кунлик истеъмоли, грам/кун
2010 й.	28001,4	1048	223,6	37,4	102,5
2011 й.	29123,4	1084	234,5	37,2	101,9
2012 й.	29555,4	1182	252,4	40	109,6
2013 й.	29993,5	1222	269,7	40,7	111,5
2014 й.	30492,8	1230	287,1	40,3	110,4
2015 й.	31022,5	1347	302,7	43,4	118,9
2016 й.	31575,3	1256	322,5	39,8	109,0
2017 й.	32120,5	1213	318,2	37,8	103,6
2018 й.	32656,7	1339	298,9	41	112,3
2019 й.	33255,5	1442	307,2	43,4	118,9
2020 й.	33905,2	1496,4	307,6	44,1	120,8
2021 й.	34558,9	1511,6	313,9	43,7	119,7
2022 й.	34987,39	1546	330,405	44,39	119,7

<sup>122</sup> <https://extranet.who.int/gemsfood/> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>123</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида фақат чакана савдода сотилган сабзавотлар асосида ҳисобланган.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонини ўсишининг вақтга  
боғлиқ чизиқли тренд моделлари**

Боғлиқ ўзгарувчи: Аҳоли сони, минг киши (X1)

Уравнение	Сводка для модели					Оценки параметров
	R-квадрат	F	ст.св.1	ст.св.2	Знач.	Константа
Линейная	,998	8423,819	1	15	,000	27722,790
Логарифмическая	,879	108,824	1	15	,000	26194,215
Обратная	,550	18,305	1	15	,001	34546,499
Квадратичная	,998	3945,468	2	14	,000	27741,372
Кубическая	,998	2461,254	3	13	,000	27703,340
Составная	,997	4330,193	1	15	,000	27973,260
Степенная	,901	137,027	1	15	,000	26619,879
П	,582	20,867	1	15	,000	10,450
Роста	,997	4330,193	1	15	,000	10,239
Экспоненциальная	,997	4330,193	1	15	,000	27973,260
Логистическая	,997	4330,193	1	15	,000	3,575E-5

Боғлиқ ўзгарувчи: Аҳоли сони, минг киши (X1)

Уравнение	Оценки параметров		
	b1	b2	b3
Линейная	558,815		
Логарифмическая	3327,393		
Обратная	-8868,675		
Квадратичная	552,948	,326	
Кубическая	575,189	-2,677	,111
Составная	1,017		
Степенная	,103		
П	-,280		
Роста	,017		
Экспоненциальная	,017		
Логистическая	,983		

3-жадвал маълумотларига кўра аҳоли сонини 2010-2022 йилларда вақтга боғлиқ ўзгаришларини максимал эҳтимоллик билан ҳисобланган модели оддий чизиқли модел бўлиб қуйидаги формула асосида прогнозни амалга ошириш имконияти мавжуд:

$$X1=558,815t+27722,790, \quad (3.1)$$

$$R^2=0,998; p(\text{value})= 0,0001;$$

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига сабзавотлар чакана савдо айланмасининг вақтга боғлиқ чизиқли тренд моделлари**

Боғлиқ ўзгарувчи: Сабзавотлар чакана савдо айланмаси, кг (Y):

Уравнение	Сводка для модели					Оценки параметров
	R-квадрат	F	ст.св.1	ст.св.2	Знач.	Константа
Линейная	,774	51,226	1	15	,000	37,415
Логарифмическая	,703	35,500	1	15	,000	35,922
Обратная	,471	13,361	1	15	,002	43,737
Квадратичная	,774	23,910	2	14	,000	37,459
Кубическая	,777	15,077	3	13	,000	36,850
Составная	,762	47,972	1	15	,000	37,544
Степенная	,705	35,885	1	15	,000	36,176
П	,483	14,011	1	15	,002	3,778
Роста	,762	47,972	1	15	,000	3,626
Экспоненциальная	,762	47,972	1	15	,000	37,544
Логистическая	,762	47,972	1	15	,000	,027

Боғлиқ ўзгарувчи: Сабзавотлар чакана савдо айланмаси, кг (Y):

Уравнение	Оценки параметров		
	b1	b2	b3
Линейная	,511		
Логарифмическая	3,090		
Обратная	-8,526		
Квадратичная	,497	,001	
Кубическая	,853	-,047	,002
Составная	1,012		
Степенная	,075		
П	-,208		
Роста	,012		
Экспоненциальная	,012		
Логистическая	,988		

4-жадвал маълумотларига кўра сабзавотлар чакана савдо айланмасининг 2010-2022 йилларда вақтга боғлиқ ўзгаришларини максимал эхтимоллик билан ҳисобланган модели “Кубик” чизиқли модел бўлиб қуйидаги формула асосида прогнозни амалга ошириш имконияти мавжуд:

$$Y = 0,002t^3 - 0,047 * t^2 + 0,853 * t + 36,850 \quad (3.1)$$

$$R^2=0,777; p(\text{value})= 0,0001;$$

Кейинги кўрсаткич сифатида аҳоли жон бошига сабзавотлар етиштириш ҳажмини йиллар давомидаги ўзгаришлари бўйича вақтга боғлиқ чизиқли тренд моделлар тузилади.

## 5-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига сабзавотлар етиштиришнинг вақтга боғлиқ чизиқли тренд моделлари

Боғлиқ ўзгарувчи аҳоли жон бошига етиштирилган сабзавотлар, кг (X2)

Уравнение	Сводка для модели					Оценки параметров
	R-квадрат	F	ст.св.1	ст.св.2	Знач.	Константа
Линейная	,890	121,194	1	15	,000	234,396
Логарифмическая	,896	129,008	1	15	,000	205,933
Обратная	,656	28,618	1	15	,000	336,378
Квадратичная	,904	66,083	2	14	,000	221,075
Кубическая	,950	82,961	3	13	,000	187,301
Составная	,867	97,577	1	15	,000	237,995
Степенная	,922	177,924	1	15	,000	214,164
П	,715	37,643	1	15	,000	5,822
Роста	,867	97,577	1	15	,000	5,472
Экспоненциальная	,867	97,577	1	15	,000	237,995
Логистическая	,867	97,577	1	15	,000	,004

Боғлиқ ўзгарувчи аҳоли жон бошига етиштирилган сабзавотлар, кг (X2)

Уравнение	Оценки параметров		
	b1	b2	b3
Линейная	8,020		
Логарифмическая	51,065		
Обратная	-147,292		
Квадратичная	12,227	-,234	
Кубическая	31,977	-2,900	,099
Составная	1,027		
Степенная	,177		
П	-,525		
Роста	,027		
Экспоненциальная	,027		
Логистическая	,973		

5-жадвал маълумотларига кўра аҳоли жон бошига сабзавотлар етиштиришнинг 2010-2022 йилларда вақтга боғлиқ ўзгаришларини максимал эхтимоллик билан хисобланган модели “Кубик” чизиқли модел бўлиб қуйидаги формула асосида прогнозни амалга ошириш имконияти мавжуд.

$$Y = 0,099t^3 - 2,900 * t^2 + 31,977 * t + 187,301 \quad (3.1)$$

$$R^2=0,950; p(\text{value})= 0,0001;$$

Олинган чизиқлик тренд моделлари асосида ҳар бир ўзгарувчиларни 2026 йилгача бўйича прогноз моделлари асосида прогноз қийматларини ҳисоблаб 6-жадвалда ифодаланади. Маълумки, мазкур кўрсаткичлар сабзавотлар бозорини ривожланишининг инерцион цейнарийси сифатида қаралади.



Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар бозорини ривожланишининг инерцион цейнарий бўйича прогноз қийматларидан маълум бўладики, 2026 йилда аҳоли сони 37222,6 минг кишини ташкил этиб, мос равишда аҳоли жон бошига етиштириладиган сабзавотлар миқдори 379.1 кг.ни ташкил этади. Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 2023 йилдаги 45,068 кгдан, 2026 йилда 47,5 кгни ташкил этади.

## 6-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар бозорини ривожланишининг инерцион цейнарий бўйича прогноз қийматлари

Йиллар	Доимий аҳоли сони	Аҳоли жон бошига етиштирилган сабзавотлар	Аҳоли жон бошига сабзавотлар чакана савдоси
	Минг киши	кг	кг
2023 й.	35546,2	338,235	45,068
2024 й.	36105,02	348,581	45,82
2025 й.	36663,83	362,037	46,658
2026 й.	37222,65	379,197	47,594

Олинган натижалар танланган барча кўрсакичаларни вақт бўйича ўзгаришларига қаратилган бўлиб, Ўзбекистон шароитида сабзавотлар чакана савдосини ривожланишига аҳоли сонини ўсиши ҳамда сабзавотлар етиштириш хажмларини ўзгаришларини инobatга олган ҳолда прогноз маделларини ишлаб чиқилди. Мазкур прогноз мадели асосида ҳисобланган параметрлар модернизацияон цейнарийга хос бўлиб, мамлакатда сабзавотлар истеъмолини ошиши асосан аҳолини реал кўпайиб бориши ҳамда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган сабзавотлар утиштириш бўйича кўрилаётган чораларга боғлиқ деган гипотезага асосланади.

Юқоридаги ҳолатларни инobatга олган ҳолад SPSS Statistical пакет дастуридан фойдаланилган ҳолда олинган кўп омилли регрессия модели сабзавотлар чакана савдосининг ривожланиши сабзавотлар етиштириш билан тескари боғлиқликни ифодалади ва статистик тест натижалари ҳам мазкур боғланиш бўйича модел олиш имкониятини рад этди. Мазкур ҳолатни инobatга олган ҳолда сабзавотлар чакана савдо айланмасининг ўсиши танланган омиллардан фақат аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, махкур функцияни қуйидагича ифодаланади:

$$Y = 0,01 * X_1 + 12,11 \quad (3.1)$$

$$R^2=0,548; p(\text{value})= 0,006;$$

Сабзавотлар чакана савдосининг модернизацияон цейнарий асосида ҳисобланган прогноз қийматлари 7-жадвалда ифодаланган.

## 7-жадвал

## Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар бозорини ривожланишининг модернизацияон сцейнарий бўйича прогноз қийматлари

Йиллар	Доимий аҳоли сони Минг киши	Аҳоли жон бошига сабзавотлар чакана савдоси, кг	Сабзавотлар кунлик истеъмоли, кг/кун
2023 й.	35546,2	47,7	132,38
2024 й.	36105,02	48,2	133,93
2025 й.	36663,83	48,8	135,49
2026 й.	37222,65	49,3	137,04

Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар бозорини ривожланишининг модернизацион кейнарий бўйича прогноз қийматлари инерцион кейнарий бўйича прогноз қийматларига нисбатан йилига 2,3 кг.дан ортиб боради ҳамда 2026 йилда 2023 йилга нисбатан аҳоли жон бошига 4,7 кг.га ортади. Мазкур прогноз моделлари сабзавотлар чакана савдосини ривожлантиришга қаратилган стратегик вазифаларни белгилаш имкониятини беради.

### Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги истеъмолчиларнинг доимий диққат марказидадир. Истеъмолчилар маҳсулотнинг нарх, сифат ва сертификатлаш каби атрибутларига нисбатан турли юқори даражада тушунчаларга эга эмас. Шунга кўра, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оқилона нархларда таъминлаш нафақат истеъмолчиларнинг харидларини ошириши, балки глобал ва миллий экологик муҳитни ҳам химоя қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий муаммосидир.

Амалга оширилган прогноз моделларидан маълум бўладики, Ўзбекистон Республикасида сабзавотлар бозори фақат аҳоли сонини ошиши билан боғлиқ ривожланади. Мазкур ҳолатлар сабзавотлар истеъмолни оширишга қаратилган маркетинг тадбирларидан фойдаланишни талаб этади. Прогноз натижаларига кўра 2026 йилда аҳолини кунлик сабзавотлар истеъмоли 2023 йилга 132,8 грамдан 2026 йилда 137,1 грамга ошириш имконияти мавжуд.

### Адабиётлар / Литература / Reference:

Freshfel, (2014). "Consumption monitor." European Fresh Produce Association. Available at [http://www.freshfel.org/asp/what\\_we\\_do/consumption\\_monitor.asp](http://www.freshfel.org/asp/what_we_do/consumption_monitor.asp). UN, 2016. Sustainable Development Knowledge Platform. Available at <https://sustainabledevelopment.un.org>

Grunert, K.G. (2017). *Consumer trends and new product opportunities in the food sector*. Wageningen Academic Publishers, Wageningen, the Netherlands.

Islam M.M. (2020) *An inquiry of the nature and causes of price variation in vegetable marketing system of Bangladesh* // *International Journal of Research in Business and Social Science* (2147-4478). –Т. 9. – №. 6. – С. 224-229.

Мамаджановна Т.А. (2018) "Мева-сабзавот корхоналарида экспортга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш" // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь.

Муҳитдинова У.С. (2018) *Методология и методика оценки эффективности функционирования рынка плодоовощной и виноградной продукции*. // *Экономика и финансы*. Москва. – №11 (150) ноябрь. с. 68-69.

Собирова А.А. (2022) *Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш*. // *Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация*. Тошкент: ТДИУ, - 136 б.

Солдатенко А.В. и др. (2019) *Проблемы производства конкурентной овощной продукции* // *Овощи России*. –№. 1. – С. 3-7.

Усмонова Д.М. (2021) *"Узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш"* // *Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация*. Тошкент: ТДИУ, - 146 б.

Фармон (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармон*. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., <https://lex.uz/docs/4567334>).

Хахаева М.Э. (2020) *Эффективная система маркетинга плодоовощной продукции*.